



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси-4-уй
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 у.г «12» март

№ 757-К

Иштихон ш.-г. Иштихан

Тумандаги “Окчуроғоси баҳори” муқобил МТП худудидаги “Дехқонобод” МФЙ “Дехқонобод” қишлоғи худудидан “ФАЙЗ АГРО БИЗНЕС НУР” МЧЖга “Замонавий иссиқхона ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш комплекси” бино иншоотлари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “ФАЙЗ АГРО БИЗНЕС НУР” МЧЖ раҳбари Д.Олтибоевнинг “Окчуроғоси баҳори” муқобил МТП худудидаги “Дехқонобод” МФЙ “Дехқонобод” қишлоғи худудидан туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 261-рақамли контурдаги 2.0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдонидан замонавий иссиқхона ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш комплекси қуриш учун 1.0 гектар мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2018 йил 26 мартдаги 432-сонли “Давлат экологик экспертизаси хулосаси”ни, “Давархитектқурилиш” кўмитасининг Регламентига асосан Қишлоққурилишлойиҳа МЧЖдан олинган 2018 йил 16 мартдаги 8/03-18/8-10-сонли ижобий хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2018 йил 10 мартдаги 14-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2018 йил 26 мартдаги 432-сонли “Давлат экологик экспертизаси хулосаси”ни, “Давархитектқурилиш” кўмитасининг Регламентига асосан Қишлоққурилишлойиҳа МЧЖдан олинган 2018 йил 16 мартдаги 8/03-18/8-10-сонли ижобий хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2018 йил 10 мартдаги 14-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “ФАЙЗ АГРО БИЗНЕС НУР” МЧЖга “Окчуроғоси баҳори” муқобил МТП худудидаги “Дехқонобод” МФЙ “Дехқонобод” қишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ер ҳисобида бўлган 261-рақамли контурдаги 2.0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдонидан “Замонавий иссиқхона” ва “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш комплекси” қуриш учун 1.0 гектар жами 3.0 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ФАЙЗ АГРО БИЗНЕС НУР” МЧЖга рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Замонавий иссиқхона” ва “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш комплекси” бино иншоотларини қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали (Х.Аstonов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов